Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 78 (8818). • 15 апрель, 1986 йил • СЕШАНБА • Баҳоси 3 тийин.

Яшасин улуғ Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

КПСС XXVII съездининг ленинча йўлидан—коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан, олға!

# КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

2. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини амалга оширайлик!

3. Советлар мамлакати меҳнаткашлари! Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўли билан жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига, коммунистик идеалларнинг тантанасига эришайлик!

4. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун куч ва билимимизни КПСС Программасини бажаришга сарфлайлик!

5. Советлар мамлакатининг гражданлари! Социализмни ҳар томонлама такомиллаштириш — ҳар биримизнинг жонажон ишимиздир!

6. Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездининг новаторлик руҳини қарор топтирингиз ва ривожлантирингиз!

7. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Халқ хўжалигини ривожлантиришда қатъий бурилишга эришайлик! Юксак даражада ташкил этилган ва самарали экономика сари туб бурилишни таъминлайлик!

8. Ишлаб чиқариш, фан, маориф ходимлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, халқ хўжалигини тубдан реконструкция қилишга қўшадиган ҳиссангизни кўпайтирингиз!

9. Совет олимлари! Мамлакат сизлардан техника ва технология соҳасида революцион кашфиётлар ҳамда ихтироларни кутмоқда. Илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини оширингиз, уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига қатъият билан яқинлаштирингиз!

10. Машинасозлар! Сизлар — халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантиришнинг олдинги маррасида бормоқдасизлар. Юқори унумли, пишиқ-пухта ва тежамли машиналар, ускуналар, приборларни тезроқ яратингиз!

11. Энергетиклар ва транспортчилар, металлурглар ва химиклар!

Энергетика программаси бажарилишига эришингиз!

Юкларнинг ташилишини жадаллаштирингиз! Халқ хўжалигининг хом ашё ва материалларга бўлган талаб-эҳтиёжларини пухта таъминлангиз!

12. Қурувчилар! Тежамли, сифатли, пишиқ-пухта, замонавий техника асосида қурингиз!

Корхоналарни реконструкция қилиш, янги объектларни барпо этиш муддатларини қисқартирингиз!

13. Савдо ва умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ходимлари!

Замонавий хизмат турларини зўр ғайрат билан ривожлантирингиз!

Хизмат кўрсатиш маданиятини оширингиз!

14. Агросаноат комплекси меҳнатчилари! Қисқа муддатлар ичида мамлакатни озиқ-овқат билан тўла таъминлаш сизларнинг ватанпарварлик бурчингиздир!

Комплекснинг барча тармоқлари самарадорлигини, қишлоқда хўжалик юритиш даражасини қатъиян юксалтиришга эришингиз!

15. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий ўсишнинг барча резервларини ишга туширайлик! Юксак сифат, ғоят қаттиқ тежаш, мустаҳкам интизом жуда тез олға ҳаракат қилишимиз гаровидир!

16. Халқ хўжалиги меҳнатчилари! Беш йилликнинг энг бошиданоқ ишлаб чиқаришнинг аниқ маромига эришайлик, 1986 йилги план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарайлик!

17. Бошқариш ходимлари! Иш услуби ва методларини қатъиян қайта қурингиз, маҳкамачиликка, маҳаллийчилик ва бюрократизмга барҳам берингиз!

18. Совет маданияти арбоблари! Социалистик даврга муносиб асарлар яратингиз! Меҳнаткашларнинг маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

19. Совет Иттифоқи гражданлари! Социалистик ўз-ўзини бошқаришда актив қатнашингиз! Кўпроқ ижодий ташаббус кўрсатиб, меҳнат коллективининг ролини оширингиз!

20. Яшасин ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи!

21. Яшасин СССР халқларининг қардошларча дўстлиги!

22. Ватанпарвар, меҳнаткаш совет хотин-қизларига ,оналарга шон-шарафлар!

23. Комсомоллар, йигит ва қизлар! Турмушимиздаги барча янги, илғор нарсалар учун курашда ташаббускор бўлингиз!

24. Уруш ва меҳнат ветеранлари! Сизларнинг ўрнингиз улуғ коммунизм иши учун актив курашчиларнинг сафидадир!

25. Коммунистлар! КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш учун курашнинг олдинги сафида бўлингиз! Партия ходимининг соф ва ҳалол қиёфасини шахсий намунангиз билан қарор топтирингиз!

26. Совет жангчилари! Халқимизнинг тинч, бунёдкорлик меҳнатини сергаклик билан қўриқлангиз!

СССРнинг шавкатли Қуролли Кучларига шон-шарафлар!

27. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин ҳозирги замоннинг қудратли ва нуфузли кучи — жаҳон социализми! Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги мустаҳкамланаверсин!

28. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Осиё, Африка, Лотин Америкаси халқларининг империалистик эксплуатация ва жабр-зулмга қарши, мустақил, прогрессив ривожланиш йўлидан бориш учун олиб бораётган адолатли кураши билан бирдамлик байроғини баланд кўтарайлик!

29. Капиталистик мамлакатларнинг монополиялар зулмига қарши, ўз ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатлари учун сабот билан кураш олиб бораётган ишчилар синфига Биринчи Май саломи!

30. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Тинчлик ва социализм учун курашда барча мамлакатлар коммунистларининг синфий бирдамлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамланаверсин!

31. Меҳнат аҳлининг манфаатлари учун мардона курашиб, зиндонлар ва турмаларда азоб чекаётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқинларига озодлик!

32. Барча мамлакатларнинг халқлари!

Уруш хавфига қарши, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш учун курашингиз!

33. Жаҳон халқлари! Империализм келтириб чиқараётган ядро уруши хавфига қарши актив ҳаракат қилингиз! Ядро синовлари батамом тўхтатилишига эришингиз! Космос ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаймиз!

34. Европа халқлари! Давлатларнинг тинч ҳамкорлиги, яхши қўшничилик муносабатлари учун, кескинликни юмшатиш ва қитъада ишончли хавфсизликни вужудга келтириш учун курашингиз!

35. Осиё мамлакатларининг халқлари! Осиёда ва Тинч океан районида хавфсизлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик учун курашда куч-ғайратларни бирлаштирингиз!

36. Жаҳон халқлари!

Империалистик агрессия ва зўравонлик сиёсатига қарши қатъий курашингиз!

Уруш хавфи манбалари тугатилишига эришингиз!

37. Барча мамлакатларнинг халқлари! Халқаро муносабатларнинг демократлаштирилиши, ҳозирги замоннинг жаҳоншумул масалаларини ҳал этишда давлатларнинг амалий баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари учун курашни кучайтирингиз!

38. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини, кенг халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсати!

Ер юзида қурол-яроғларсиз ва урушларсиз тинчлик тантана қилаверсин!

39. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

40. КПСС XXVII съездининг ленинча йўлидан—коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан, олға!

## ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ КЎРСАТАЙЛИК

### *ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ*

**1986 йил 12 апрелда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг II пленуми бўлди.**

**Область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов «КПСС XXVII съезди якунлари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.**

**Доклад юзасидан музокараларда Чирчиқ трансформатор заводи ишчиси, КПСС XXVII съезди делегати Л. Н. Павлухина, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков, Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози механизатори, КПСС XXVII съезди делегати З. Рўзматова, Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институти ректори Т. С. Саидбоев, Калинин район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Хайдуров, «Миконд» заводи токари, КПСС XXVII съезди делегати Э. П. Ёқубхўжаев, Куйбишев район ижроия комитети раиси М. М. Умарова, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Имомалиев, Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз директори С. Б. Балашов, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область агросаноат комитети раиси Н. И. Гусаков сўзга чиқдилар.**

**Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.**

**Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.**

**Пленум ташкилий масалаларни кўрди.**

**Область ижроия комитети раиси П. М. Абдураҳмонов, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Г. Айдаков область партия комитети бюро аъзолари қилиб сайландилар.**

**Пленум ишида КПСС Марказий Комитети инструктори А. Н. Сиротский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети инспектори В. Ю. Зорин иштирок этдилар.**

(Докладнинг баёни ва музокарада қатнашганларнинг нутқлари газетанинг 2—3 бетларида эълон қилинмоқда).

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Қорақалпоғистон, Андижон, Наманган, Самарқанд ва Фарғона область партия комитетларининг 12 апрель куни бўлиб ўтган пленумларида КПСС XXVII съездининг якунлари ва область партия ташкилотларининг съезд қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Нукусда—Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Салиқов, Андижонда — область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов, Наманганда — область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, Самарқандда — область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев, Фарғонада — область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров доклад қилдилар.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Андижон область партия комитетининг пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов, Наманган область партия комитетининг пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко, Самарқанд область партия комитетининг пленумида Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Фарғона область партия комитетининг пленумида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари—республика агросаноат давлат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзладилар.

Андижон область партия комитети пленумининг қатнашчилари илгари қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги, ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари ва конференцияларида коммунистлар билдирган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар юзасидан кўрилган чоралар ҳақидаги ахборотни ҳам тингладилар.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. Н. Лаврентьев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

## МАВЖУД ПОТЕНЦИАЛДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўй-фикр ва режаларни тезроқ амалий ҳаракатларда рўёбга чиқариш Тошкент шаҳар партия комитети пленуми қатнашчилари нутқларининг асосий мазмуни бўлди. 14 апрель куни бўлиб ўтган пленумда КПСС XXVII съезди якунлари ва республика пойтахти партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин доклад қилди.

Пленум қатнашчилари экономикага партия раҳбарлигидаги камчиликларни бартараф этишга асосий эътиборни қаратдилар. Шаҳарда план интизомини бузаётган корхоналар ҳали ҳам бор, айрим хўжалик раҳбарлари эскичасига иш кўришни, планларнинг камайтирилишига эришиш учун ҳаракат қилишни давом эттирмоқдалар. Капитал қурилишда кўпгина нуқсонлар бор.

Съезд қарорлари тезроқ амалга оширилиши учун, деб таъкидланди пленумда, шаҳардаги мавжуд илмий-техникавий потенциалдан яна ҳам зўр ғайрат билан фойдаланиш, интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун кадрларнинг жавобгарлигини ошириш, юксак меҳнат унумдорлигига ва маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига эришиш, катта ва кичик ҳамма ишда тежамкор бўлиш зарур.

Пленум партия XXVII съезди қарорларини бажариш, Тошкентни социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги аниқ-равшан ҳаракат программасини белгилади.

(ЎзТАГ).

## ТЎЛИҚ УНДИРИБ ОЛАЙЛИК

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ДЕҲҚОНЛАРИ РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЧИГИТ ЭКИШНИ ТУГАЛЛАДИЛАР

Далаларда тракторлар овози етти кун тинмай гуруллаб турди. Бу ерда бутун мана шу вақт давомида экиш конвейери узлуксиз ишлади. Ниҳоят, деҳқонлар: барча майдонларда чигит экиб бўлинди, деб рапорт бердилар. Қарийб 142 минг гектар майдондаги тупроққа чигит қадалди. Бу ўтган йилдагидан 2,2 минг гектар кўпдир. Республика пойтахт областининг пахтакорлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг қарорларига шу тарзда иш билан жавоб қайтардилар.

Экиш бор-йўғи бир ҳафта давом этди, бу эса кўп жиҳатдан бўлажак ҳосилнинг тақдирини белгилади. Мутахассисларнинг фикрича, ҳамма майдонларда чигит тупроққа энг яхши агротехника муддатларида, яъни ер энг мақбул ҳароратга етган вақтда экилди.

Ғўза парваришининг индустриал технологиясини жорий этиш натижасида экиш ишлари мана шундай жадал суръатларда амалга оширилди. Область колхоз ва совхозларида экиш техникаси олдиндан ишга тахт қилиб қўйилди, малакали механизаторлардан иборат экипажлар тузилди. Натижада барча 2240 та экиш агрегати энг кўп самара билан ишлади. Ҳар бир машина кунига ўрта ҳисобда 11 гектар майдонга чигит экди. Бу нормадагидан анча кўпдир.

— Ҳар куни 20 процент ерга чигит экдик, — дейди Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси КПСС XXVII съездининг делегати Миразиз Рўзматов. — Хўжаликнинг энг яхши кучларини экиш ишларига сафарбар этдик.

Худойберган Дадашев, Султон Юсупов, Шукурали Мамбетов бошчилик қилаётган бригадаларнинг далаларида чигит экилган қаторларнинг бир текисдалиги кўзни қувонтиради. Бу коллективлар хўжаликда биринчилардан бўлиб муҳим ишни ниҳоясига етказдилар.

— Бу йил ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилни 10 центнер кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз, — дейди коммунист Х. Дадашев. — Жами гектаридан 40 центнер пахта териб олишни кўзлаяпмиз.

Экиш ишлари жадал суръатларда ўтказилганлиги — ана шу мажбурият шараф билан бажарилишининг гаровидир. Колхоздаги бошқа бригадалар ҳам беш йилликнинг биринчи йилига юксак марраларни белгиладилар. Хўжаликда бу йил 1100 гектар майдонга чигит экилди. Ана шу майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 35 центнер — пландагидан беш центнер кўп «оқ олтин» йиғиштириб олишга қарор берилди.

Бу йил Тошкент областида чигит экиш мавсуми кўпгина қаҳрамонларни танитди. Улар орасида Ўрта Чирчиқ, Ғалаба, Оққўрғон районларидаги колхоз ва совхозларнинг биринчилардан бўлиб чигит экишни тамомлаган механизаторлари бор.

— Асосий мақсад чигит экиш муддатларини қисқартиришдангина иборат эмас, — дейди Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозининг механизатори, КПСС XXVII съездининг делегати Замира Рўзматова. — Биз энди барча майдонларда чигит қийғос униб чиқишига эришамиз, пировардида эса мўл пахта ҳосили етиштиришга, одатдагидан илгари теримни бошлаш имкониятига эга бўламиз.

Экиш мавсуми — деҳқонлар учун дастлабки жиддий синовдир ва Тошкент области пахтакорлари бу синовдан шараф билан ўтдилар. Баҳорги мавсум областда ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Улардан энг муҳими — ғўзани парвариш қилишнинг интенсив технологиясини жорий этишдир. Партия XXVII съездига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида уқтириб ўтилгандек, бундай технологиялар катта самара бермоқда, улардан кенг фойдаланиш — муваффақият гаровидир.

Тўпланган кўплаб тажриба натижасида пахтачиликда интенсив технология вужудга келмоқда. Бундай технология биринчи навбатда ерлар ҳосилдорлигини оширишни кўзда тутади. Область колхоз ва совхозларида экиш вақтидаёқ ҳар бир гектар ернинг мўл ҳосил бериши тўғрисида ғамхўрлик қилинди. Бунинг учун бир қанча жараёнлар биргаликда қўшиб олиб борилди: чигит экиш вақтида тупроққа ўғит ва гербицидлар солинди. 60 минг гектар майдонда ғўза учун барча зарур тўйимли моддаларга эга бўлган органик-минерал аралашмалардан кенг фойдаланилди. Бундай аралашмалар таркибида маҳаллий ўғит, калий, фосфор, азотли ўғитлар ва тупроқ бор. Ҳар гектар майдонга 20 тоннадан шундай аралашма солинди, бу эса тупроқнинг ҳосилдорлик даражасини оширишни таъминлайди. «Кедр» электр системаси билан таъминланган универсал сеялкалардан фойдаланилганлиги мана шу мавсум янгиликларидан бири бўлди. Бундай сеялкалар ишни жадаллаштирибгина қолмай, шу билан бирга чигитни энг мақбул оралиқда экиш имконини берди. Бу эса ғўзани парвариш қилишда меҳнат сарфини камайтириш имкониятини яратади. Шу йилги мавсумнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда чигит пуштага экилди. Бекобод, Бўка ва Оққўрғон районлари хўжаликларида 20 минг гектар майдонга чигит шундай усулда экилди. Бу ҳам чигитнинг қийғос униб чиқишига кўмаклашади.

— Экиш тугалланди, бироқ биз хотиржам бўлмаслигимиз керак, — дейди Бекобод районидаги «Победа» колхозининг бригадири, КПСС XXVII съезди делегати Бусалима Турдибоева. — Биз учун энг муҳими — пировард натижадир. Ўртоқ М. С. Горбачев Тольятти шаҳри меҳнаткашлари билан учрашувда реал жадаллаштиришни таъминлаш учун энг аввало мавжуд резервлардан фойдаланиш зарурлигини уқтириб ўтди. Бу сўзлар биз учун дастуруламал бўлиб қолди.

Бусалима бошчилик қилаётган коллектив бу йил ягона наряд асосида ишламоқда. Бригада ғўза ҳосилдорлигини оширибгина қолмай, ҳосилнинг сифатли бўлишини, пахта етиштиришга сарфланадиган ҳаражатларни камайтиришга эришишни ҳам мўлжалламоқда. Областдаги бошқа кўпгина пахтачилик бригадалари ҳам хўжалик ҳисобида ишламоқдалар. Ғалаба районидаги Ўзбекистон ССРнинг 5 йиллиги номли совхоз тажрибаси меҳнатни ташкил этишнинг мана шу илғор усули қанчалик катта резервларга эга эканлигидан далолат беради. Ўтган йили пахтачиликни комплекс механизациялаш, бригада пудратини жорий этиш ҳисобига давлатга пахта топшириш плани анча ошириб бажарилди, деярли бутун ҳосил машиналарда териб олинди, айни вақтда ҳосилнинг 78 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Хўжаликда меҳнат унумдорлиги қарийб тўртдан бир баравар ўсди, ишлаб чиқариш рентабеллиги эса 72 процентга етди. Бироқ, мана шу қимматли тажриба ҳали областнинг бир қанча хўжаликларига ёйилмаяпти.

Суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш—область пахтакорларининг энг муҳим вазифасидир. Ўтган беш йилликда областда пахта ҳосилдорлиги қарийб 6 центнер камайиб кетди, 42 та хўжаликда эса ҳар гектар майдондан етиштирилган ҳосил 30 центнердан камроқни ташкил этди.

Область далаларида ишлар бир соат ҳам тўхтатилмаяпти: культивацияга тайёргарлик кўрилмоқда. Деҳқонлар баҳорда ёғингарчилик кам бўлганлигини назарда тутиб, эгат олмоқдалар. Ҳар бир куб метр сувдан самарали ва оқилона фойдаланиш тадбирлари кўрилмоқда. Эгатлар орқали суғоришга, қўшимча насослар ўрнатишга қарор қилинди. Булар оқава сувлардан фойдаланиш имконини беради.

Далаларда иш аниқ-пухта ва қатъий график асосида олиб борилмоқда. Область деҳқонлари дала ишларининг барча босқичларида жадаллаштиришга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. 1 майгачаёқ яганалашни тугаллаш, ғўзани парвариш қилишнинг бошқа тадбирларини энг яхши агротехника муддатларида ўтказиш кўзда тутилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

